

ЯЛПИ ХУДУДИЙ МАХСУЛОТ

Дастлабки маълумотларга кўра, 2019 йил январь-декабрда ишлаб чиқарилган ялпи худудий маҳсулотнинг (ЯҲМ) ҳажми 36 685,2 млрд. сўмни ташкил этди ва 2018 йилнинг январь-декабрига нисбатан ўсиш суръати 105,2 фоизга бўлди.

2019 йил январь-декабрь ойларида ЯҲМ дефлятор индекси 157,6 фоизни ташкил қилди.

Ялпи худудий маҳсулот (ЯҲМ) – миллий ҳисоблар тизимининг асосий кўрсаткичи бўлиб, муайян даврда минтақанинг иқтисодий худудида жойлашган резидент – институционал бирликлар ишлаб чиқариш фаолиятининг якуний натижасини ифодалайди. ЯҲМ ишлаб чиқариш усулида, иқтисодий фаолият турлари бўйича ялпи қўшилган қиймат ҳажми ва маҳсулотларга соф солиқлар йигиндиси орқали ҳисобланади.

Аҳоли жон бошига ҳисобланган ЯҲМ 37 119,5 минг сўмни ташкил этди ва бу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 3,4 % га юқори бўлди.

Январь-декабрь ойларида вилоят ялпи худудий маҳсулотининг иқтисодий фаолият турлари бўйича таркиби

	млрд. сўм		2018 йил январь-декабрга нисбатан, % да
	2018 йил	2019 йил	
I. Ялпи худудий маҳсулот, жами	22 132,2	36 685,2	105,2
<i>шу жумладан:</i>			
Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	21 399,8	35 599,7	105,2
Маҳсулотларга соф солиқлар	732,4	1 085,6	106,0
II. Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	21 399,8	35 599,7	105,2
Кишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	5 050,7	5 954,2	102,3
Саноат (қурилишни қўшган ҳолда)	12 930,6	25 374,8	106,7
саноат	11 944,7	23 779,6	104,5

	млрд. сўм		2018 йил январь-декабрга нисбатан, % да
	2018 йил	2019 йил	
қурилиш	985,9	1 595,2	133,0
Хизматлар	3 418,6	4 270,6	103,8
савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	951,7	1 121,8	103,1
ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа хизматлари	647,6	702,0	101,8
бошқа хизматлари	1 819,4	2 446,9	104,8

Январь-декабрда ялпи ҳудудий маҳсулотнинг тармоқлар таркиби, (% да)

2018 йил




2019 йил



2019 йилнинг январь-декабрь ойларида вилоят ялпи худудий маҳсулотининг ўсиш суръатига асосий таъсири қурилиш (133,0 фоиз), бошқа соҳа хизматлари (104,8 фоиз), саноат (104,5 фоиз), савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар (103,1 фоиз), қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги (102,3 % да) тармоқларидаги ялпи қўшилган қиймат ҳиссасига тўғри келди.

ЯҲМ ишлаб чиқариш умумий ҳажмининг 31,3 фоизи кичик тадбиркорлик (бизнес) ҳиссасига тўғри келди ва бу кўрсаткич 2018 йил январь-декабрга нисбатан 9,7 фоизли бандга камайди.

2019 йил январь-декабрь ойларида ЯҲМ нинг иқтисодий фаолият турлари бўйича дефлятор индекси (2018 йил январь-декабрга нисбатан, % да)



Хизматлар соҳасининг ЯҲМ таркибидаги улуши 12,0 % ни ташкил этди ва ўтган йилнинг мос даври билан таққослаганда 4,0 фоизли пунктга камайди.

